

ISLAMONLINE.UZ

Хабар



Қозоғистонда ҳалол колбаса ва консерваларда
чўчка гўшти топилди



Чўчка ДНК Россия Федерациясидан келтирилган "Мусульманская" консерваланган мол гўшти ва ярим дудланган колбасада топилган бўлиб, улар Козогистон дўконларида ҳалол сифатида сотилган, дея хабар беради Козогистон Соғликни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология назорати кўмитасининг Миллий экспертиза маркази.

Интерфакс маълумотларига кўра, маҳсулот сифати мониторинги март ойида Шимолий

Козогистон вилоятидаги санитария-эпидемиология назорати бошкармаси томонидан амалга оширилган. Жами 38 та гўшт намуналари ўрганилди.

"Тадқикот давомида аниқланишича, консерваланган мол гўшти икки намунаси ва битта колбаса намунаси номувофик бўлиб чиқди: «Мусульманская» ярим дудланган колбасаси (ишлаб чиқарувчи ИП Павлов А.С., Россия, Бошқирдистон Республикаси); "Говядина тушеная высший сорт" стерилланган гўшт бўлаклари консерваси (ишлаб чиқарувчи "Курганский мясокомбинат "Стандарт" МЧЖ Россия, Курган); "Говядина тушеная высший сорт" стерилланган гўшт бўлаклари консерваси (ишлаб чиқарувчи "Орелпродукт" АЖ, Россия, Орловская область)", - дейилади хабарда.

Шу билан бирга, Россиянинг Селятино компанияси томонидан ишлаб чиқарилган "Свинина обеденная" консерваларида товук ДНК топилган.